



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
1 август
ЧОРШАНБА
№ 60
(12.488)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАҚДИРИМсан, БАХТИМсан, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



ҲАМКОР ХОРИЖДАН, МАҲСУЛОТ БИЗДАН

Мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган илчил чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, бугун соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари сон ва сифат жиҳатдан яхшиланмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, нафақат ички бозорлар, балки хорижга ҳам маҳсулот экспорти ортишида муҳим омил бўлмоқда.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Ихтиёр Қурилиш Файз" Ўзбекистон – Корея қўшма корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, унинг ўз харидорлари бор. Корхона кунига 15 минг дона, ойига 500 мингга яқин пишик гишт ишлаб чиқаради. Бу ерда 50 ходим муҳим иш билан банд.

Юртимизда иқтисодий муносабатларни шакллантириш ва янада ривожлантириш учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган, – дейди корхона раҳбари Азамат Сайфиев. – Шунингдек, фуқароларнинг иқтисодий эркинлиги, тадбиркорлар мустақиллигининг конституциявий асослари белгилаб қўйилган. Шундай экан, ишлаш истаги борлар бундан оқилона фойдаланишлари лозим. Яқин келажакда иш фаолиятини янада кенгайтиришни ва маҳсулот сифатини оширишни режа қилганмиз.

Ирода НОРБОУЕВА.

СУРАТААРАА: 1. Муҳандис-технолог Ли Сунг Ра ва корхона ходими Шерзод Умаров гишт сифатини текширишмоқда; 2. Оператор Асқар Жуматов; 3. Цехнинг умумий кўриниши.

Даврон АХМАД олган суратлар.



■ ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

НАТИЖАЛАР САЛМОҚЛИ, ЛЕКИН ВАЗИФАЛАР ҲАМ КАТТА

Ҳар бир кун бизни Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллик муборак байрами тантанали нишонланадиган дамларга ақинлаштирмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қурилиш суръатлари жадаллаштирилиб, шаҳар ва қишлоқларда ободончилик ишлари кўлами кенгайтириляпти.

Вилоят фаоллари йиғилишида бу жараёнларнинг биринчи ярим йилликдаги яқунлари таҳлил қилиниб, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, ОАВ ходимлари қатнашди.

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

Маърузачи – вилоят ҳокимининг ўринбосари Соҳиб Абдуллаев таъкидладики, республика Президенти 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгилаб берган устувор вазифаларни амалга ошириш учун кўрилаётган илчил чора-тадбирлар ўз самара-

ратган кредит ва микрокредитлар 1,4 баробар кўпайди.

Биринчи ярим йилликда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожлантирилди. Барча турдаги хизматлар умуман 12,4, шу жумладан, пулли хизматлар 19,7 фоиз ўсишига эришилди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматлар улуши бунинг далилидир. Шу муддатда ҳудудий ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 105,7 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 106,4 фоизга етди. Шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 118,8 фоиз кўпайишига эришилди. Қурилиш ишлари 118,4 фоиз ошди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 106,6, чакана товар айланмаси 109,8 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида 5 та янги маҳсулот турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида 1625 та янги ҳўжалик субъекти ташкил этилди. Уларни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш мақсадларига тижорат банклари аж-

бидан 133,1 миллиард сўм йўналтирилди.

Фаоллар йиғилиши асосий эътиборни кун тартибига турган долзарб масалаларга ечим топишга қаратди. Бошқармалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган вазифалар, чора-тадбирлар алоҳида кўрсатиб ўтилди. Иқтисодий эркинлаштириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишларида ислохотларни чуқурлаштиришни илчил давом эттириш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

Бир қатор туманларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой ҳамда инфра-тузилма объектларини қуриш кечикаётгани кўрсатилиб, умуман, қурилиш, куз-қиш ойларида ишлаб чиқаришни бир маромда давом эттириш имкониятини берувчи чора-тадбирларни қуриш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилиш амалий чора-тадбирлар қамраб олинган қарор қабул қилди.

■ МАЪНАВИЯТ

ТҮЙ МАДАНИЯТИ

Дунёдаги ҳар бир халқ ўз қадриятларига суғаниб, уларни асраб-авайлаб, замонга, даврга мослаб, улларга амал қилиб яшайди. Шу маънода тўй ва маросимлар – қадриятларимиз кўзгуси дейиш мумкин. Тўй-ҳашам ҳам, маърака-маросим ҳам миллий маънавиятнинг ажралмас қисми. Улар ўзгариб, замонга мослашиб бораверади. Бу жараёнда мил-

лий маънавиятимизга зид ҳолатлар ҳам кўзга ташланиб турибди. Айрим кимсалар айнан ана шундай тўй-ҳашам ва маърака-маросимларни ўзларининг ҳаётдаги маънавиятини суғий равишида қутариш, бойликларини кўрсатиб қўйиш, қимдангир ўзиб кетганини исботлаш ва бошқа шу каби номатқул мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланяпти.

Аммо уллар замон талаби, миллий ва диний анъаналаримизга мос равишда камхарж ва ихчам ўтказилиши лозим. Ҳеч биримизнинг бу масалага бепарқ қарашига ҳаққимиз йўқ.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашам ва маърака-маросимларни тартибга солиш ҳақидаги фармонини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан маҳаллаларда қўллаб ишлаб амалга оширилди. Аммо, шунга қарамай, дабдабали тўйлар қилаётган, маъракаларни ким ўзарга ўтказётган фуқароларимиз ҳам учраб турибди.

Оила – муқаддас даргоҳ. Уни турли нигоҳлардан асраш, миллий қадриятларимизни янада юксалтириш – айнан тўйларимиз билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳамкорликда тўй ва бошқа маросимларимизни ихчамлаштириш барчамизнинг олдимиздаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Биз тўйларимизнинг маънавий юксак, иқтисодий жиҳатдан эса камчиқим ўтиши тарафдоримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашам ва маърака-маросимларни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган 1998 йил 28 октябрдаги Фармонининг имзолашини учун ҳам жамиятда катта эҳтиёж пайдо бўлган, яъни талай хилдид сабаблар юзага келган эди. Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий танта-

налар, маърака ва маросимларнинг, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шўхростарлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одалари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳолини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда.

Ҳўш, қимлар бунга йўл қўйди? Фармонда бу ҳақда ҳам очик маълумот берилган: "Бундай хунук одаларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини сунистеъмол қилаётган раҳбарлар, оғеи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳалларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафосиятига теғмоқда, уларнинг адалогга, умуман, давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда".

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида низом"ида шундай дейилади: "Яраштириш комиссиялари ҳудуддаги оилаларнинг барпо этилиши, тўйлар, шунингдек, тўйлар олдида ва тўйдан кейинги

тадбир-ҳашамларнинг ўтказилиши, оилалардаги ижтимоий-руҳий вазиятнинг муътадил бўлиши учун маъсул бўлган асосий тузилмадир". Низомнинг "Яраштириш комиссияларининг вазифалари" қисмининг 10-бандида эса: "Тўй, маъракаи ва улар олдида ҳамда улардан кейин ўтказилаётган бошқа тадбирларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш, ортиқча сарф-харajatлар оила турмушида салбий из қолдириши, оилалардаги ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боради", – деб белгиланган. "Яраштириш комиссияларининг ҳуқуқлари" деб номланган қисмига кирган 31-бандда "ҳудуддаги оилаларнинг тўй-ҳашамларини ташкил этишда сарф-харajatлар меъёрини белгилаш" ҳам кўзда тутилган.

Албатта, тўй-ҳашамлар санъаткорлар хизматисиз, яъни ўйин-кулги, рақс ва кўшиқларсиз ўтмайди. Шунинг назарда тутиб, Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги қарори билан "Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш тўғрисида низом" ҳам тасдиқланган.

(Давоми 2-бетда).

БОРНМУТ САФАРИ ОЛДИДАН

Шу йил 23-28 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида VII жаҳон чемпионати ўтказилди. Шу муносабат билан Халқаро кураш ассоциацияси матбуот анжумани ташкил этди.

Анжуманда чемпионат билан бирга режалаштирилаётган Кураш Халқаро Ассоциациясининг XIII Конгресси, чемпионатга тайёргарлик жараёнини кузатиш учун Борнмут шаҳридан қайтган делегация ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, Буюк Британия Кураш ассоциацияси раҳбарлари, шаҳар ҳокими билан бўлган учрашув хусусида сўз борди.

Журналистларнинг чемпионат давомида курашнинг Ватани – Ўзбекистонни британияликлар ва иштирокчиларга янада яхшироқ таништиш мақсадидаги сайё-ҳаракатлар хусусида берган саволларига ассоциация вакиллари шундай жавоб бердилар.

Ташкилий қўмита аъзолари ва Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда дастур тайёрланган. Дастур доирасида Ватанимизнинг бой маданияти, санъати, миллий мусуқа ва рақси намойиш қилиниб, миллий таомлари тортилди.

Матбуот анжуманида 28 ваънда 56 курашчимиз чемпионатда қатнашиши кутилаётгани қайд этилди.

Ирода МАКСУД қизи.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БЕКОбОД ТУМАНИ

БАҲОРИСТОН БОҒЛАРИ

"Абдуҳақ Собиров" фермер ҳўжалиги сайё-ҳаракати билан туманининг Баҳористон қишлоғида 12 гектарлик янги мевали боғ барпо этилган эди. Айни пайтда унинг нишона ҳосили пишиб етилди.

Боғнинг дастлабки йиллик ҳосилга киришининг боиси, унинг замонавий боғдорчиликка таяниб, хорж кўчати ва технологияси асосида интенсив усулда барпо этилганидадир. Бу, ўз навбатида, агротехник тадбирларни сифатли ва

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ҚОНУНИ БИЛГАН, ҲУҚУҚНИ БИЛАДИ

Байтқўрғон қишлоғининг Навоий маҳалласида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда туман фаоллари, маҳалла аҳли ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вакиллари қатнашдилар.

Тадбирда жойларда истеъмолчи ҳуқуқлари поймол қилинаётган ҳолатлар қайд этилди. Шунингдек,

муаммоларни барта-раф этиш, хато ва камчиликларга йўл қўймаслик хусусида сўз борди. Мутахассислар томонидан "Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

2012 йил учун

ДАВОМ ЭТМОҚДА.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси индекси – 205.



МАЪНАВИЯТ

ТҮЙ МАДАНИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туй-ҳашам ва маъракаларни тартибга солиш билан боғлиқ тилга олинган фармони эълон қилингандан кўп ўтмай, яъни 1998 йилнинг 3 нояб-рида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг "Туй, маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида қатъий қарор"и чиқарилди. Унда туй, маросим ва маъракаларнинг шаръий меъёрига белгилаб берилди.

Тўйларимиз - албатта, миллий қадрият. Ўзбекистон тўйи ҳеч қандай ўхшамас. Энг миллий нозик жиҳатларимиз айнан тўйларимизда намоён бўлади. Уларда асрий анъаналаримиз ўзига хос тарзда муҳасабга олинган. Шундай экан, тўйларимиз ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ана шу қадимий миллий анъаналаримизга зид келмаслиги керак.

Амалда қандай бўляпти? Тўйри, келин билан кўёвни эл олдиға чиқариб, янгича боз қилишимиз - Фарбинг таъсирида шуру даврида шаклланди. Миллий анъаналар асосида тўй қилиш "эскилик сарқити" деб атаб, "комсомолга тўй" номи билан шуру маъқурасининг ўзи шуни тарғиб ва ташвиқ этгани ҳам бугун ҳеч қимга сир эмас.

Майли, лекин келинларимизнинг тўй либослари нега айнан европача ярим-яланғочликка асосланиши керак? Ахир, тўйдан кейин бирон-бир ўзбек йигити жуфти ҳаллолинг оппоқ елкалари, белларига очик ҳолда кўчада ҳаммаға кўрсатиб юришини истамас керак? Унда нега айнан тўйда - шунча одамнинг ҳузуридан уни шу ҳолда ҳаммаға кўз-кўз қилиши зарур? Ҳозир айрим шаҳарларимиз, ҳатто, баъзи қишлоқларимизда келин-кўёвнинг вальсга тушиш одати маддалаган. Келин билан кўёв вальсга тушганда тўй саҳнасига бошқа жуфтлар ҳам чиқарилади. Ака билан синглининг, чол билан кампирнинг, эр билан хотиннинг, амакивача-холовачаларнинг... вальсга тушиши бизга ярашадими?

Бир тўйда шундай вальсга тушган 15 - 16 ёшли қизча-нинг кўзларига қарадим, худди спиртли ичимликдан маст бўлган одамға ўхшаб, ўзини йўқотиб қўйгандек... Миллий ахлоқимиз эил кетаётгани, маънавиятимиз бу тарзда таназзулга юз тутга боришини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Мамлакатимизда, масалан, никоҳ ёшига етмай туриб фарзанд кўриш, фоҳишалик, ахралишлар юз бераётгани, одам савдосининг қурбони сифатида аёлларнинг ҳоржий юртларға жисмини сотиб, пул топишға бораётгани, улар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиши замирида, жумладан, тўйларимиздаги маънавий эзилликларимиз ҳам сабаб бўлаётганини яширишдан нима фойда?

Тўйларимиз ҳам миллий бўлисин, ҳам диний анъаналаримизга зид келмасин, ҳам замонавий хусусиятлардан ҳоли бўлмасин. Бунинг намуналари жамиятда бок. Бундан 100 йиллар муқаддам минтақамиз маърифатпарвар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларининг отаси саналмиш Маҳмудхўжа Бехбудий "Ойна" журналининг 1915 йилги 13-сонида бонг уриб, жумладан, шундай деб ёзган эди: "Биз ўлук ва тўй учун ҳафтала, ҳатто, ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореши аъзам, пайғамбари акрам саллоллоҳи алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўйиб ва кўйгандан сўнгра тез тарқалиб, ишға кетмоқға ва ўлукхона халқини уч қундан зиёда таъзия тутмасға, қаро киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни(нг) сўзига, ўзимизни(нг) нафимизга амал қилмаймиз? Биз девонами?"

Ўтган асрда бу борада ишчимиз олдинға эмас, орқаға кетди. Буюк аждодларимизнинг қатъий ҳулосасига кўра, бойликни ўз ўрниға сарфлашғина - саховат! Шу сабаб, токи тирик экансан, саховат уруғини эк! Чунки бугун нима эксанг, эртаға - тонға, яъни қиёмат куни ўша экканингни ўрасан. Демак, ўтган замонлар ҳам даб-дабабозлик, шурхатпарастлик, таъмагирилик, кимўзарға, яъни ном чиқариш учун исрофгарчиликка йўл қўйиш каби иллатлар бўлган. Бугун тўйларимизда ноўрин сарфлаётган пулларимиз саховат белгиси эмас. Чунки умум-миллий ҳаётимизни бундан ҳам гўзалроқ, янада фаровонроқ даражаларға кўтаришимиз керак.

Истиклол туфайли, бозор иқтисодиёти шарофати билан халқимиз орасидан ҳам бой-бадавлат одамлар пайдо бўла бошлаши билан тўй-ҳашамлар ва маъракаморосимларда ноўрин ҳо-тамтойлик қилиш ҳам кучайгандек. Демократик жамиятда ҳар қимнинг ихтиёри ўзида. Нима учун ҳаммамиз бу масалада кўр-кўрона тақлидчи бўлиб қолаверамиз? "Кўранға қараб оёқ узат" деган мақолини доно халқимиз тўқган ҳам, ҳозирги тўйларимиз кўларимизнинг кўрпанимизга мос эмас.

Тўй - моҳияттан хайриянинг бир қўрнини. Тўй эгаси ҳурсандчилиғини кўпчилик билан баҳам кўради. Мисол учун инсоннинг тўйсиз турмуш қуриши ҳам - маънавиятсизлик бўлур эди. Тўй қилиб, элнинг олдидан ўтиб, никоҳланши икки тарафға ҳам қатъий масъулият юклайди.

Аммо... Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида эсланган фармонида "давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, одам савдосининг қурбони сифатида аёлларнинг ҳоржий юртларға жисмини сотиб, пул топишға бораётгани, улар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиши замирида, жумладан, тўйларимиздаги маънавий эзилликларимиз ҳам сабаб бўлаётганини яширишдан нима фойда?

Тўйларимиз ҳам миллий бўлисин, ҳам диний анъаналаримизга зид келмасин, ҳам замонавий хусусиятлардан ҳоли бўлмасин. Бунинг намуналари жамиятда бок. Бундан 100 йиллар муқаддам минтақамиз маърифатпарвар-

Бирок тўй-ҳашам, тадбир-маърака борасида бу жуда қалтис масала. Чунки кимдир бир нарсани жорий этса, тезда у ёзилган қондаға кириб қолиши ҳавфи, ҳатто, Муҳаммад (с.а.в.) даврларида ҳам бўлган.

Ҳазрат пайғамбаримиз (с.а.в.) қизлари Фотима (р.а.)ни узатаётганларида одамлардан Мадина шаҳридаги энг камбағал одам қизига қандай сеп қилаётганини сўраган эканлар. Улар битта тошқозон, битта кўйлак, битта бўйра, битта кўрпа бералар. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни(нг) сўзига, ўзимизни(нг) нафимизга амал қилмаймиз? Биз девонами?"

Ўтган асрда бу борада ишчимиз олдинға эмас, орқаға кетди. Буюк аждодларимизнинг қатъий ҳулосасига кўра, бойликни ўз ўрниға сарфлашғина - саховат! Шу сабаб, токи тирик экансан, саховат уруғини эк! Чунки бугун нима эксанг, эртаға - тонға, яъни қиёмат куни ўша экканингни ўрасан. Демак, ўтган замонлар ҳам даб-дабабозлик, шурхатпарастлик, таъмагирилик, кимўзарға, яъни ном чиқариш учун исрофгарчиликка йўл қўйиш каби иллатлар бўлган. Бугун тўйларимизда ноўрин сарфлаётган пулларимиз саховат белгиси эмас. Чунки умум-миллий ҳаётимизни бундан ҳам гўзалроқ, янада фаровонроқ даражаларға кўтаришимиз керак.


Истиклол туфайли, бозор иқтисодиёти шарофати билан халқимиз орасидан ҳам бой-бадавлат одамлар пайдо бўла бошлаши билан тўй-ҳашамлар ва маъракаморосимларда ноўрин ҳо-тамтойлик қилиш ҳам кучайгандек. Демократик жамиятда ҳар қимнинг ихтиёри ўзида. Нима учун ҳаммамиз бу масалада кўр-кўрона тақлидчи бўлиб қолаверамиз? "Кўранға қараб оёқ узат" деган мақолини доно халқимиз тўқган ҳам, ҳозирги тўйларимиз кўларимизнинг кўрпанимизга мос эмас.

Тўй - моҳияттан хайриянинг бир қўрнини. Тўй эгаси ҳурсандчилиғини кўпчилик билан баҳам кўради. Мисол учун инсоннинг тўйсиз турмуш қуриши ҳам - маънавиятсизлик бўлур эди. Тўй қилиб, элнинг олдидан ўтиб, никоҳланши икки тарафға ҳам қатъий масъулият юклайди.

Аммо... Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида эсланган фармонида "давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, одам савдосининг қурбони сифатида аёлларнинг ҳоржий юртларға жисмини сотиб, пул топишға бораётгани, улар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиши замирида, жумладан, тўйларимиздаги маънавий эзилликларимиз ҳам сабаб бўлаётганини яширишдан нима фойда?

Тўйларимиз ҳам миллий бўлисин, ҳам диний анъаналаримизга зид келмасин, ҳам замонавий хусусиятлардан ҳоли бўлмасин. Бунинг намуналари жамиятда бок. Бундан 100 йиллар муқаддам минтақамиз маърифатпарвар-

(Давоми. Боши 1-бетда).



ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириши рабатлантириш борасида

олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида ички бозорларимиз турли хом ашё ва маҳсулотларга тўлиб бормоқда. Бунинг янги туманидаги "Ver Akbar Invest" МЧЖ фаолияти мисолида қуриш мумкин.

Турли шаклдаги эшик, ром, плинтус ишлаб чиқаришға иختисослашган корхонада юзға яқин ишчи меҳнат қилмоқда. - Хар кунни буюртмага қараб, 10-15 та эшик ва ром тайёрлаймиз. Бунда хоржидан келтирилган технологиялар кўл келмоқда. Бу ортиқча куч ва меҳнат талаб қилмайди, маҳсулотлар сифатли чиқиб турибди, - дейди корхона ишчиси Муҳаммад Мансуров. - Маҳсулот тайёрлашда қорхонада чет мамлакатлардан келтирилган хом ашёдан фойдаланилмоқда. - Корхонамизда асосан эшиклар ишлайди, - дейди корхона раҳбари Илхом Мағизов. - Уларнинг фойдаси бизни янги-янги лойиҳаларни амалға оширишға ундамоқда. Қолаверса, Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашға қаратилган қатор

фармонлари имкониятлар эшигини кенг очаяпти. Корхонамиз "Akbar Rich" брендиға эга бўлиб, яна 40 та бўш иш ўрни яратилди. Бахтиёр ШАВКАТОВ. СУРАТДА: (чапдан ўнға) корхона ишчилари Абдуҳақхор Абдунабиев, Муҳаммад Мансуров, Азиз Шермухамедов. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

МАТБУОТ АНЖУМАНЛАРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хусусий банклар раҳбарлари иштирокида "Мамлакатимиз раҳбарининг сўнги фармонлари асосида миқозларға хизмат қўраш сифатини янада ошириш иштиқоллари"га бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

БАНКЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Юртбошимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботлари, лицензияланган фаолият турлари ва руҳсат бериш тартиб-тамоийларини тубдан қисқартитиш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги фармонлари бозор муносабатларини халқаро меъёр ва андозларға мослаб ташкил этиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қудай шарт-шароит яратишға хизмат қилиши таъкидланди. Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимлари саволларига жавоб берилди.

КАСБ БАЙРАМИ АРАФАСИДА

Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларида бири бўлган "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК фаолиятига ва соҳада эришилаётган ютуқлар таҳлилиға бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда компаниянинг мутасадди ходимлари билан бирға оммавий ахборот воситалари иштирок этишти.

Мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини барпо этиш йўлида амалға оширилаётган сайёҳаракатлар бугун ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Юк ва йўловчи ташиш айланмаси, санаот унвун, унинг фаровонлиғи учун бўлса, келинган, тўй-маросимларимиз ҳам ҳаётнинг бугунги талабларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилайлик.

Мирзамурод ҲОШИМОВ. мисолида қўраш мумкин. Ярим йилликда темир йўл бекатларида 29,9 миллион тонна юк жўнатилиб, юк айланмаси 11,6 миллиард тонна-километри, яъни ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 104,1 фоизни ташкил этди. 8,6 миллион йўловчи манзилли ҳал эткизиб, ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 109 фоиз ўсишға эришилди.

Умида ФАЗЛИЕВА. бат усулида оқишишмоқда. Ғўза шохларидаги бўлиқ қўсақлардан, улар сентябр бешинчи бошларидаёқ заман бўлиб очилишини, ҳўжалик белгиланган режани ортиғи билан ундалашини пайқаш қийин эмас. Фермер ўғиллари Абдумутал ва Абдушукруни олий маъмулотли қилди. Улар ҳозир жамиятда ўз ўринлари эгаллаб, сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Бўш вақт толган заҳотлари далаға шошиб, ота қўлидан кетмонни оладилар...

ДЕҲҚОН УЧУН ҲАР КУН ҒАНИМАТ

нат қилди. Аммо оқори лавозимларда ишласа-да, кўнгли тўлмасди. Асл максимда ўзининг фермер ҳўжалиғиға эга бўлиш эди. Ордан маълум вақт ўтган, унинг бу ордаси амалға ошди. 2000 йилда "Уринбой ҳожи" фермер ҳўжалиғиға асос солди. Дастлаб 20 гектар бўлган ери ҳозир 208 гектарға етди. Бунга 40 йиллик ҳалол меҳнат тажрибаси билан эришди. Унга бу ҳислатлар ота-боболаридан мерос. Чунки, унинг аждодлари қўлларида кетмон билан эртаға-кеч далада тер тўкишган, ҳўжаликни оталари номи билан

аташларининг ҳам сабаби шунда... Фермер ҳўжалиғида 50 дан ортиқ аъзо меҳнат қилди. 15 киши - сувчи. Бу йил 110 гектар ерга мутахассислар энг яхши дега эътироф этаётган С-65-24 навли пахта экишган. Қолган 98 гектарида гаалла етиштириб, шартнома режаси 117 фоиз бажарилди. Бугунги кунда ҳўжалик аъзолари ғўзанинг ҳар бир гектарига 300 килограмдан фосфорли ўғит солиб, Янгийўл парранда фабрикаси-дан келтирилган гўнгни шар-

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

ТАЪСИРЧАН ВА САМАРАЛИ

Чоралар Халқ демократик партиясининг халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гурӯҳи фаоллиғи кучайиб боришиға хизмат қилмоқда

Биз Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиғини шаҳар ва қишлоқлари ободонлаштириш, иқтисодий инфратузилгани такомиллаштириш, аҳолиға маданий-маиший ва бошқа хизматлар қўраш сифатини ривожлантириш қўламлирини кенгайтириш дастурлари қизгин амалға оширилаётган бир шароитда кутиб олмақдамиз. Бу жараёнларда барча кўчалар - сийсий партиялар, ёшлар ва бошқа нодавлат жамоат ташкилотлари фаол иштирок этаётди. Уларнинг халқ вакиллик органларини, давлат бошқаруви идоралари ва муассасалари билан ҳамкорлиғи кучайяпти.

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашиларидаги партия гурӯҳларида иқтисодий ривожлантириш ва бошқа дастурлар, "Мустаҳкам оила йўли", Давлат дастури барча йўналишлари бўйича изчил бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кўчатиришға алоҳида эътибор қаратмоқдалар. - дейди Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг раиси, вилоят Халқ депутатлари кенгашидаги партия гурӯҳининг раҳбари Сирожидин Аъзамов. - Бу жараёнда депутатлар, партия аъзоларининг фаоллиғини кучайтириш чора-тадбирлари кўраётимиз. Уларнинг жойлардаги долзарб иқтисодий-иқтисодий масалаларини ҳал этишдаги вазифаларига бағишланган туркум ўқув-машғулотлари бунда муҳим аҳамият касб этди. Натижада, депутатлар, доимий комиссияларнинг аъзолари ўз ваколатларидан тобора оқилона равишда фойдаланаётганлар. Долзарб масалаларни пухта ўрганиб, сессиялар муҳокамасига киритиш, депутатлик сўровлари, назорат-таҳлил ишлари яхши самара бера бошлади.

Жумладан, Паркент туманидаги "Мавжуда Плюс-Ривож" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Миршохид Мирзахитов тижорат банкидан 24 миллион сўм кредит олиб, тивувилик ателеси ташкил этди. Бўстонлик туманидаги йовчи Руфат Юсметов иқтисодий форумда иштирок этиб, "Микрокредитбанк"дан 18 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Шу маблаг ҳисобидан очилган "Ал аска антикор" хусусий фирмаси бугунги кунда ақва эшик ва ромларини ишлаб чиқармоқда. Пискент туманидан Ислому Юнусов эса, 24 миллион сўм миқдорда кредит олиб, аҳолиға савдо-сотик хизматини йўлга қўйди.

Бундай иқтисодий форумлар имконияти чекланган қишлоқларнинг меҳнат билан бандлигини оширишда айниқса қўл келаяпти. Чунки, Паркент туманида яшовчи иккинчи гурӯҳ ноғирони Пардабой Маҳаматовға "Мик-

роқредитбанк"нинг 3 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредити берилди. Бу тадбиркор шу маблагдан фойдаланиб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ташкил этди. Оққўрғон туманидан биринчи гурӯҳ ноғирони Қаноатбек Бердибеков 2 миллион сўм шундай кредит олиб, электр асбоб-ускуналарини сошлаш бўйича аҳолиға хизмат қўраш бошлади.

Вилоят партия ташкилотлари ташаббуси билан бошланиб, кенг қўлаб ёлб бораётган бундай ибратли сайёҳаракатларнинг турлари ва қўрнини ози эмас. Яқинда Ангрэн шаҳрида Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гурӯҳи билан Саҳноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиғи, алоқа ва аҳолиға хизматлар қўраш масалалари бўйича доимий комиссиянинг қўраш мажлиси ўтказилди. Иштирокчилар хизмат қўраш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига энг иш ўринларини яратишнинг боришини таҳлил қилиб чиқилди.

Ижобий натижалар ўзимизники - деди маърузачи. - Лекин биз хизматлар жамияти оширишға тўғонқ бўлиб келаётган ҳолатларни бартараф этиш йўллариини излашимиз керак. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда ижро идораларидаги эътиборсизлик, лоқайдлик, ташкилотчиликнинг етишмаслиғи асосий тўғонқ бўлиб қолмоқда.

Бу - айни ҳақиқат. Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари доимий комиссия аъзолари ва партия гурӯҳлариға талабни кучайтираётганлар. Асосий эътибор ҳар бир депутат ўз ваколатидан ташаббус билан фойдаланишға қаратилаяпти. Партиядан вилоят Кенгашиға сайланган депутатлар сўнги бир йилда олдинги йилға нисбатан ҳилла кўп - 30 дан ортиқ депутатлик сўровларини амалға оширганликлари шунинг натижасидир. Мутасадди раҳбарлар депутатлик сўровлариға ақсарият ҳолларда қаноатланарли жавоб бериб, ишни яхшилашға қаратилган чора-тадбирлар қўраётганлар. Бу депутатларда ташаббускорликни кучайтираётди. Улар қўлаб иқтисодий устувор масалалар, ўткир иқтисодий муаммолар бўйича тақлиф ва ташаббуслар билан тобора фаол қилишмоқда. Чунки, уларнинг ташаббуси билан шаҳар ва қишлоқларда маиший қиқиндиларини йиғиш, ташиш ва йўқотишнинг ҳолати ўрганилиб, бу ишларни тартибга солиш масаласини Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш тақлиф қилинди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Пискент туманидаги Навоий маҳалла фуқаролар йиғинида мустақиллигининг 21 йиллик шодиёнасини муносиб қаршилаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимлиғи вакиллари, ички ишлар бўлими ходимлари, маҳалла аҳли ва фаоллари қатнашди. Сўзға чиққанлар маҳаллани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кучайтириш ҳақида тўхтадилар. Шунингдек, эн-атрофдаги воқеа-ҳодисаларға бефарқ бўлмаслик, доим серғак ва оғоҳ бўлиш лозимлиғи қайд этилди.

Ирода МАКСУД ҚИЗИ.

ФЕРМЕР ШИЙПОНИДА БИР КУН

Чиноз туманининг Олмасор бекатида машинадан тушиб, дала ўртасидаги икки томони пахтазор йўл ёқалаб юрар эканмиз, ғўзаға обдон ишлов берилаётганининг ғўвиҳ бўлдик. Ана, узоқдан "Уринбой ҳожи" фермер ҳўжалиғининг

Шийпондаги чорпояда икки киши ўтирибди. Ташрифимиз сабабини билишгач, уллардан бири: - Ҳозир ғўзаға учинчи сув бериляпти, Абдуғаффор ака шу ишлардан хабар олгани кетгандилар, келиб қоладилар, - деб чорпоядан жой кўрсатди.

Хавоси тоза, турли-туман дарахт ва гуллардан келаётган ёқимли ис кишининг димоғини қитқилайди, кўнглиға ҳузур бағишлайди. Шуларни юракдан туйиб ўтирарканмиз, юзларига бироз ажин тушиб, сочлариға оқ оралаган бир киши кулимсираб келаётганини кўрдик.

Абдуғаффор Ақромов 1975 йилда Қишлоқ ҳўжалиғи институтининг сиртки бўлиминини татомлаб, Давлат нави синаш марказининг туман бўлимида даҳарбар, Алишер Навоий номили колхозда бригадир бўлиб 20 йилдан зиёд меҳ-

дала шийпони кўзға ташланди. Киравершида МТЗ-80 русумдаги 2 та чопиқ ва яна шу русумдаги 2 та транспорт, 1 та Т-28 Х 4 ОВХ-28 пуркагич аппарати иллинган, занжирли ҳайдоқ - жами 6 та трактор қатор турибди.

нат қилди. Аммо оқори лавозимларда ишласа-да, кўнгли тўлмасди. Асл максимда ўзининг фермер ҳўжалиғиға эга бўлиш эди. Ордан маълум вақт ўтган, унинг бу ордаси амалға ошди. 2000 йилда "Уринбой ҳожи" фермер ҳўжалиғиға асос солди. Дастлаб 20 гектар бўлган ери ҳозир 208 гектарға етди. Бунга 40 йиллик ҳалол меҳнат тажрибаси билан эришди. Унга бу ҳислатлар ота-боболаридан мерос. Чунки, унинг аждодлари қўлларида кетмон билан эртаға-кеч далада тер тўкишган, ҳўжаликни оталари номи билан

аташларининг ҳам сабаби шунда... Фермер ҳўжалиғида 50 дан ортиқ аъзо меҳнат қилди. 15 киши - сувчи. Бу йил 110 гектар ерга мутахассислар энг яхши дега эътироф этаётган С-65-24 навли пахта экишган. Қолган 98 гектарида гаалла етиштириб, шартнома режаси 117 фоиз бажарилди. Бугунги кунда ҳўжалик аъзолари ғўзанинг ҳар бир гектарига 300 килограмдан фосфорли ўғит солиб, Янгийўл парранда фабрикаси-дан келтирилган гўнгни шар-

Бекзод ҲИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

АНЖУМАН

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳакамлик судлари тадбиркорлар дуч келиши мумкин бўлган низоларни келишув йўли билан ҳал этиш, ишни тезкорлик билан қўриб қиқиш ва ҳолислиғини таъминлашда муҳим институтдир.

Мамлакатимизда "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши маъқура тизим имкониятларини янада кенгайтириш, ҳакамлик судларининг таркибини шакллантириш, низо-ларни ҳал этиш билан боғлиқ муносабатларни қонун йўли орқали тартибга солишға хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислому Каримов томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да ислохотларнинг оқиш-ошқоралиғи ва самардорлиғини таъминлашда иқтисодий шерикликнинг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Бу тизим гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат тузилмаларини билан ўзаро муносабатлариға аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тақомиллаштириш имконини беради. Ушбу мақсад ва вазифа-лар ҳакамлик судлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Чирчиқ шаҳрида иқтисоди-

Тадбирда ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Л. СУВОНОВ, Ўза муҳбири.

БОКС СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

XXX ёзи Олимпия ўйинларида бокс беллашувлари ҳам қизин давом этмоқда. 75 килограмм вазн тоифасида 28 нафар боксчи совринли ўринлар учун курашаётир. Ушбу вазн тоифасида кўпчилик мухлису мутахассислар эътибори икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоевнинг жангига қаратилди.

Совринли ўринга асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилаётган ўзбекистонлик чарм кўлқоп устаси дастлабки жангида марокашлик Бадриддин Хадидий устидан 11:9 ҳисобида зафар кучди. Энди Аббос Атоев руминиялик Богдан Юратони билан куч синашмоқда.

Олимпия ўйинлари каби энг нуфузли спорт мусобақасида биринчи жанги муваффақиятли ўтказиш жуда муҳим, дейди А. Атоев. Менинг асосий мақсадим — шу кунгача кўлга киритган совринлар қаторига олимпия медалини қўшишдан иборат. XXX ёзи Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамига муносиб соғва тайёрлашга ҳаракат қиламан.

Олимпия ўйинларида илк мартаба қатнашаётган ёш боксчимиз Фазлиддин Гойибназаров ҳам ўзининг жанг услуби билан мутахассислар эътибори ва эътирофига сазовор бўлаётир. Фазлиддиннинг дадиллиги ва тез ҳаракат қилади. Қўтилмаган кучли зарба билан рақибини мураккаб



РИШОД СОБИРОВ: ҒАЛАБАМНИ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

XXX ёзи Олимпия ўйинлари ўзбекистон спортчилари учун омадли бошланди. Мамлакатимиз спорт делегацияси газнасига Лондон Олимпиадасининг дастлабки — бронза медалини дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров келтирди.

Дзюдо беллашувларида дунёнинг бир юз ўттиздан зиёд мамлакатидан тўрт юз нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашмоқда. 60 килограмм вазн тоифасида жаҳон рейтингда етакчилик қилаётган Ришод Собиров мусобақаларни иккинчи даврдан бошлади ва рақиблари — Пекин Олимпиадаси кумуш медал соҳибдори, австриялик Людвиг Пайшер, венесуэлалик Хавьер Гудес, бразилиялик Фелипе Китадаига қарши баҳсларда катта устунлик билан ғалаба қозонди.

Ришод ярим финал баҳсида россиялик Арсен Галстянга кичик ҳисобда имкониятни бой берган бўлса-да, бронза медални унун курашиш имконини сақлаб қолди ва франциялик Софиане Милоусни чиройли усулда енгиб, терма жамоамиз газнасига дастлабки медални



келтирди. Пекин Олимпиадасида бронза медални кўлга киритган 25 ёшли иқтидорли спортчимиз кейинги олимпия циклида икки мартаба жаҳон чемпиониликка сазовор бўлган, Осиё ўйинларида олтин медални кўлга киритган, Халқаро дзюдо федерацияси мусобақалари тақвимида киритилган "Мастерс", "Катта дубулга", "Гран-при" мусобақаларида зафар кучган.

Пекин Олимпиадасида бўлгани каби бу Олимпиадада ҳам Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига дастлабки медални келтирганимдан хурсандман, дейди Ришод Собиров. — Ушбу ғалабамни энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз муста-

XXI Ва ДУНЁ

ЧИРОҚСИЗ КУН — ТУН

Ҳиндистоннинг шимолида электр тизимида юз берган авария сабабли 300 миллион аҳоли чироқсиз қолди, деб хабар тарқатди Reuters.

Етти штат ва мамлакат пойтахти Дехлида эрталабки тигиз ҳаракат пайтига электр таъминоти ни йўлга қўйишнинг иложи бўлмади. Оқибатда светофорлар ишламагани боис, йўлларда бошбошдоқликлар бошланди. Шаҳар атрофида қатнайдиган поездлар тўхтаб қолди.

30 июлга ўтар кечаси юз берган ҳолатдан қутулиш учун ҳукумат аввало шифохона ҳамда транспорт ти-



У.А.



ҚУРБОНЛАР КЎПАЙЯПТИ

Шимолий Кореядаги сув тошқинларида қурбонлар 88 кишига етди. АФР агентлиги маҳаллий ахборот агентликлари маълумотларига таяниб, шу хабарни тарқатди. 134 киши жароҳат олди.

Тўфон ва кучли жала оқибатида 18 июль куни бошланган сув тошқинлари давомида қарийб 63 миң киши бошланасидан ажради. Бундан ташқари, 30 миң гектардан зиёд қишлоқ хужалик ерларини сув босди, 300 га яқин давлат бинолари, 60 та фабрика ва йўллар вайрон бўлди ёки шикастланди.

Пхенан-Намдо вилоятида энг кўп одам қурбон бўлган кайд этилди. Чунки, бу ерда жуда кучли жала ёғди.

ПАРКУР БЎЙИЧА МАСТЕР-КЛАСС

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси спортнинг экстремал турлари, хусусан, жойдан-жойга кўчиш ва тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ — паркур санъатига қизиқувчилар учун дунёнинг машҳур паркур-атлети британиялик Дэниэл Илабака иштирокида мастер-класс машғулотларини ташкил этди.

Паркурнинг моҳияти турли хилдаги тўсиқларни мардонга енгил ва шу жараёнда бажариладиган кескин ҳаракатлардан иборат. Бундай тўсиқлар вазиқасини мажбур архитектура иншоотлари, панжаралар, деворлар, шунингдек, махсус тайёрланган қурилмалар ҳам бажариши мумкин. Паркур — инсон ҳаётида учрайдиган турфа фавқулодда вазиятларда зарур бўладиган танани бошқариш кўникмалари мажмуи бўлиб, ушбу спорт маҳоратини эгаллашда тартиб-интизом, чидам ва матонат, куч ва унинг тўғри тақсимланиши, тана ҳаракатларидан фойдаланиб, маконнинг маълум нуқтасини тезлик билан забт этиш асосий омил ҳисобланади.

Паркур маҳорат мактабиде кўплаб қизиқувчилар иштирок этди.



— Мен нимага эришган бўлсам, бунинг барчаси юртимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасидаги сай-ҳаракатлар, ёшларга берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларнинг меваси, деб биларман, — дейди Шаҳноза Низомова. — Бу гамхўрликка жавобан Ватанимиз шаънини улуглаш, раванқига ҳисса қўшиш йўлида иқтидоримизни намоеъ этиш биз ёшларнинг муқаддас бурчимиздир.

Маълумки, спортда ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Бунинг учун машаққатларни сабот ва матонат билан енгиб ўтиш зарур. Яқка кураш тур-

ШАҲНОЗАНИНГ ЮКСАК ОРЗУЛАРИ

2012 йилнинг 25 апрель куни Шаҳноза Низомавнинг ҳаётида яна бир унутилмас воқеа рўй берди. Тошкент шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионатида йўлланма олиш учун бўлиб

ларининг эса юки янада оғир. Рингда рақиб билан юзма-юз келганда оддий хато ҳам қимматга тушиши мумкин.

Шунинг учун Шаҳноза спортдаги биринчи устози Хумрохон Дюсеновнинг: "Қиз бола ҳолинг билан оғир йўлни танлабсан. Энди қаттиқ ишлашга тўғри келади. Билиб қўй, спортда ким кўп меҳнат қилса, ўша ғалаба қозонади", деган сўзларини доимо ёдда тутайди.

Болаликданок спортга қизиққан Шаҳноза катта мусобақаларда қатнашиб, чемпион бўлишни орзу қилар эди. Шу иштиёқ уни Кибрай туманидаги 3-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига етаклади. Шаҳнозадаги қизиқиш ва иқтидорни кўрган мураббийлар уни ўқиниш қабул қилишди. Шу ердан унинг спорт-

ўтган саралаш беллашуви финал босқичида 1-ўринни эгаллади. Аслида бу Шаҳнозанинг республика ва халқаро спорт мусобақаларида 27-бор шоҳсўпага кўтарилиши эди...

тури бўйича мураббийлик қилмоқда. — Эзгу орзу, улуг ният кишини янги марралар томон қорлар экан, — дейди Шаҳноза. — Айни кунларда хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган навбатдаги мусобақага тайёрларлик кўраяман. Бундан ташқари, шотирларимни болалар ўртасида ўтказиладиган бўлажак беллашувларга жалб этмоқчиман. Айни кунларда энг иқтидорли болалар билан "Хумо Осиё" спорт мажмуасида қўшимча машғуллар ўтказаямиз. Ниятим Ватанимиз шарафини ҳимоя қилувчи янги чемпионларни тайёрлаш.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Даврон АХМАД олган сурат.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ҚАРМОҚДА ХЎРАК НА ҚИЛУР...

Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Ҳар ким бу дунёда қилган эзгу ишига муқофот, ёмонлигига жазо олиши тайин. Бу синов дунёсидеа қимдир қилган яхши амалларининг муқофотиға эришса, қимлардир разил ишлари оқибатида ҳаётдан афсуснадоматда ўтади.

Ака-ука Равшан ва Достон Курбоновлар ҳам бугун қилмишларидан афсусдалар. Бироқ, гишт қолдидан кўнган. Афтидан, улар ҳам одам савдосидек разил ишга қўл ураётганларида бунинг оқибатини йўлаб кўришмаган. Акс холда бу бошли берк кўчага яқинлашмасдилар.

Гап шундаки, Равшан Курбонов Куйи чирчилик Жамшид Усмонов, Ахрол Аҳмедов, Умид Хошимов, Рашид Абдушукуровга қуюқ ваъдалар берди. Ўйни, Қозоғистон Республикаси Алматы шаҳрида ҳали битмаган уч қаватли бино борлигини, унинг ички қисмини таъмирлаш кераклигини, маош ойига 250-300 доллар бўлишини айтиб, уларнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди. Жабранлувчилар содда кишилар эмасми,

унинг бу ёлғонига лаққа тушишди. Равшан аввал укаси Достон билан обдон режани пухта тузиб олган. Унга кўра Достон қўшни давлатга ишлашга борувчиларни чегара постидан ўтказиб, белгиланган манзилга етказиши керак эди.

Режа силлик борди. Достон уларни Кибрай туманидаги "Май" божхона чегара постидан олиб ўтиб, белтов жараёнида аниқлашнинг имконини бўлмаган Гарри исми шахсга топширди ва шу ердан автобусга ўтказиб, жўнатиб юборди. Алматы шаҳрига етиб боришганда уларни Равшан кутиб олди.

Айтилган қурилиш объектида ишлар бошлаб юборилди. Равшан Курбонов таниши Стас исми шахс билан борганларнинг паспортларини олиб қўйиб, зўрлаб ишлата бошлад. Етарли шароит, зарур имкониятлар ҳақидаги ваъдалар эса Ўзбекистонда қолиб кетган эди. Жабранлувчилар қарийб беш ойдан кўпроқ оғир шароитда меҳнат қилишди. Аммо, маошдан ҳа деганда дарак бўлавермади. Жарақ-жарақ

пул ваъда қилган Равшаннинг эса парволифалак, уларнинг ҳақини бериш кераклиги ҳақида йўлаб ҳам кўрмасди.

Ака-уканинг бу хийлаларини сезган Умид Хошимов ва Рашид Абдушукуров уйга қайтиш тараддудини қуришди. Иш ҳақларини сўрашганда уларнинг ҳар бирига бор йўғи 500 доллардан пул теғди. Кейинроқ юртига қайтган Жамшид Усмонов ва Ахрол Аҳмедовнинг ҳар бирига 150 доллардан пул беришди.

Уларнинг анча вақт эзиллиб қилган меҳнатлари олдидеа кўллариға олган пуллари арзимаган сариқ чақа эди. Бу пулни оила-илага бутунлай барҳам бериш, бундай қилмишларга қўл ураётган қимсаларга кескин қоралар кўрилатганига қарамай, бу каби қўнгилсизликлар ҳамон такрорланиб турибди.

Ваҳоланки, бориға шукр қилиб, йўғига сабр билан ишаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

шароити, илгари судланмагани ва маҳалладошлари ижобий тавсиф бергани ҳам ҳисобга олинди.

Юртимизда инсон шаъни, қалд-қиммати юксак даражага кўтарилди. Унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар тарафлама ҳимояланмоқда. Афсуски, давлатимиз одам савдосидек мудҳиш иллатнинг олдини олиш мақсадида махсус комиссиялар тузиб, қонуний қоралар кўраётгани, бу ҳақда газета, журнал ва телевидение орқали оғохлантиришларга қарамай, айрим фуқароларнинг ҳаромхўр қимсалар қармоғига илиниб, жабр кўраётгани ачинарлидир.

Бугун дунё жамоатчилигини ташвишга солаётган одам савдоси иллатига бутунлай барҳам бериш, бундай қилмишларга қўл ураётган қимсаларга кескин қоралар кўрилатганига қарамай, бу каби қўнгилсизликлар ҳамон такрорланиб турибди.

Ваҳоланки, бориға шукр қилиб, йўғига сабр билан ишаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

МЕКСИКАДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

АҚШ Геология хизмати сайтыда хабар қилинишига кўра, 26 июль куни тонгда Гватемала ва Мексика соҳилларида 6 магнитудадан куч билан ер силкинди.

Зилзила маркази Тинч уммонидеа — Гватемаланин Ококс шаҳридан 26 километр, Мексиканинг Сучьяте шаҳридан 30 километр нарида бўлган. Ер силкинишининг ўчоғи эса, 35 километрдан зиёдроқ чуқурликда жойлашган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, цунами ҳосил бўлиш хавфи йўқ. Тинч уммонининг цунамидан оғохлантириш маркази юз берган табиий офат ҳақида махсус билдириш бермаган. Қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида ҳозирча маълумотлар тарқатилмади.

Шу йил март ойида Мексикада 7,5 магнитуда куч билан зилзила юз берган эди. Ушунда мамлакатнинг жануби-ғарбида 2 киши ўлиб, 13 киши жабрланганди. Минглаб биноларга шикаст етган эди.

ПОЕЗД ВА МИКРОАВТОБУС ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

Польша марказида поезд микроавтобусни уриб юборгани оқибатида машинада бўлган саккиз киши авария қурбонига айланди.

Wirtualna Polskaнинг хабар беришича, яна икки киши қаттиқ жароҳат олди. Ушбу авария Братошевица қишлоғи яқинидаги назорат қилинмайдиган темирйўл кесилишида юз берди. Хайдовчи нима сабабдан автобусни поезд келаятган пайда кесилиш жойига ҳайдагани ҳам аниқланмади. Тахминларга қараганда, микроавтобусдагилар чет эл фуқаролари бўлишган.

Нашрнинг TVN24 телеканали маълумотига таяниб

баён қилишича, тўқнашув зарбаси шу даражада бўлганки, мажакланган автобус қайси русумда эканини аниқлашнинг илоҳи қийинлашган. Reuters эса, поезд автобусни 30 метр масофага сурдаб берган, деб ёзади. Поезддаги йўловчилардан ҳеч бири жабр кўрмаган.

Польша темир йўлидаги бундай йирик авария март ойининг бошларида содир бўлган эди. Ушунда икки состав тўқнашуви оқибатида 16 киши қурбон бўлганди.



У.А.

ОҚ ЙЎЛБАРСНИНГ ҲАМЛАСИ



Маҳаллий Emol интернет-нашр тарқатган хабарда маълум қилинишича, Чили пойтахти Сантьягодаги ҳайвонот боғида оқ йўлбарс хизматчиға ташланиб, унга жиддий жароҳат етказди.

Ушбу нохуш ҳодиса ҳайвонот боғида қарийб 25 йилдан буён ишлаб келаятган Хосе Сильва жониворни озиклантириш учун келган пайда юз берди. Йўлбарс хизматчиға қўтилмаганда ташланди. Сильва оқилантириш майдонини тарк этишга уринганда, йўлбарс қатagini бузиб чикди. Боғ маъмурларининг айтишича, хайриятки, бу пайда томошабинлар ҳали келишмаган эди.

Воқеа содир бўлган жойга ҳайвонот боғи хавфсизлик хизмати ходимлари етиб келишиб, оқ йўлбарсини отиб ўлдиришга мажбур бўлишди.


Сильва шифохонага етказилди. Унинг елкаси қаттиқ жароҳатланган, аммо, ҳаёти хавф остида эмас.

САЙЁҲЛАРНИ ЯШИН УРДИ

Польшанин жанубида тўрт сайёҳнинг жасади топилди. ВВС Newsнинг мамлакат оммавий ахборот воситалари маълумотларига таяниб тахмин қилишича, улар яшин қурбони бўлишган.

Омадсиз сайёҳлар — эллик ёшдан ошган эр-хотин, уларнинг қизлари ҳамда шу қизнинг дўсти. Маълум бўлишича, уларни охириги марта катта йўлдан четга чиққан пайтларида кўришган. Афтидан, улар кучли довулдан пана жой излашган.

Мамлакат ҳукумати, сайёҳлар ўлимининг аниқ сабабларини ойдинлаштирмоқчи. Қўрқарувчиларнинг гаплариға қараганда, яшин бир йўлга тўрт кишини уриб ўлдириши камдан-кам учрайдиган ҳол.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA. Muassis: Toshkent viloyati hokimligi. Bosh muharrir: Ubaydulla Abdushoqidov. Manzilimiz: 100000, Toshkent shahri, Matbuotchilar kuchasi, 32. e-mail: th.tp@mail.ru. Telefonlar: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (faks). 236-55-59, 233-48-08. Toshkent viloyati Matbuot va axborot boshqarmasida 2011 yil 12 yanvarda 03-001 raqami bilan ruyxatga olingan. Gazeta «Toshkent haqiqati» taхririya ti kompyuter markazida teriladi va saхifalandi. Navbatchi muхarrir: Sayira RIXSIEVA. Navbatchi: Yulduzxon MUXIDDINOVA. Saхifalovchi: Toхir MAХMUDXOJAЕV. Haхtaning chorshanba va shanba kunlari chikadi. Buyurtma G-842. Adadi 7012. Xajmi — 2 tabok, ofset usulida bosildi, koғoz bichimi A-2. ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар — тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.30. 12345